

## Ўзбекистон Республикаси номидан

### Ҳ У К М

2024 йил ноябрь ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Бўстон тумани суди, ўз биносида, очик суд мажлиси бўлиб,

Раислик қилувчи – туман судининг раиси К.Шахобутдинов,

судья ёрдамчиси А.Абдурайимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бўстон тумани прокурорининг ёрдамчиси Р.Рахимов, судланувчи М.Қорабоева ва унинг ҳимоячиси Д.Махкамовлар иштирокида, жабрланувчи З.Маматовани қатнашувида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган Қорабоева Муслима Дилшодбек қизига оид 1-1706-2401/135-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

**Қорабоева Муслима Дилшодбек қизи (Qoraboyeva Muslima Dilshodbek qizi),** 2005 йил 21 январь куни Андижон вилояти, Андижон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оилали, 1 нафар фарзанди бор, депутат эмас, илгари судланаган, жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2024 йил 18 ноябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 2 йил 11 ой 3 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, “Гулистон” МФЙ, 2-тор кўчаси, 26-уйда яшайди, муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини нусхасини 2024 йил 7 октябрь куни олган.

Суд судланувчи ва жабрланувчини кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Қорабоева ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, О.Йўлдашева (жиноят ишлари бўйича Бўстон туман судининг 2024 йил 7 ноябрь кунги ҳукми билан судланган) билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, 2024 йил 8 сентябрь куни соат 15:00 ларда Бўстон тумани, Пиллакор МФЙ, Мустақиллик кўчасида



жойлашган фуқаро З.Маматованинг яшаш хонадонидонида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, хонадонга калит танлаш йўли билан ғайриқонуний равишда киришиб, хонадон ётоқхонасидаги нархи 1.000.000 сўмлик темир сейфнинг ичида бўлган 24.145.105 сўмга тенг бўлган 1.900 АҚШ доллари ва 3.800.000 сўм миқдоридаги нақд пуллар, 5 дона жами нархи 10.000.000 сўм бўлган тилла узук, 1 дона нархи 3.000.000 сўмлик тилла сепочка, 2 дона жами нархи 6.000.000 сўмлик брашлет, 1 жуфт нархи 2.000.000 сўмлик тилла сирға, 2 дона жами нархи 500.000 сўмлик кумуш узукларни, жами бўлиб анча миқдордаги 50.445.105 сўмга тенг бўлган мол-мулкни ҳамда I-АН №0387904 серия рақамли никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, №230484 серия рақамли Маматов Нодирбой Абдурахимовичга тегишли диплом, Турсунова Зайнабга тегишли II-УЗ№181185 рақамли туғилганлигик тўғрисида гувоҳнома, Абдурахимов Шукурулло Нодирбой ўғлига тегишли I-АН №0059753 серия рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, Улмасбеков Мухаммад Улмасовичга тегишли I-АН № 0301605 серия рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, Маматов Нодирбойга тегишли III-ЧС 499532 серия рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, Маматова Зулфияга тегишли III-ЧС477711 серия рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, Маматов Нодирга тегишли № 230484 рақамли дипломнинг кўчирмаси, Маматов Нодирга тегишли Б №957710 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома, Маматов Нодирбек Абдурахимовичга тегишли бўлган ТН №0941599 серия рақамли ҳарбий билет, Нуритдинова Назимага тегишли бўлган II-ЧС485464 серия рақамли туғилганлик ҳақида гувоҳнома, Маматов Нодирбекка тегишли бўлган АН-156999 рақамли меҳнат дафтарчаси, Абдурахимов Шукурулло Нодирбек ўғлига тегишли бўлган BS-370 рақамли чакирув участкасида қайд этиш гувоҳномаси, Абдурахимова Гулсанамхон Нодирбой қизига тегишли УМ №0024299 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестатга илова, Маматова Зайнахонга тегишли уй дафтари, Маматов Нодирбекка тегишли 17АА-0251267 рақамли имтиҳон гувоҳномаси, Маматова Зайнабхонга тегишли бўлган №1705010413 рақамли кўчмас мулк кадастр хужжатлари, уйнинг чизмаларининг асл нусхалари ва бошқа хужжатларнинг нусхаларини яширин равишда талон-торож қилишиб, ходиса жойидан қочиб яширинишган.

Судланувчи М.Қорабоева судда, айбига иқроп бўлиб, 2024 йил 8 сентябрь куни маҳалладошлари О.Йўлдашева, С.Мирзаназарова ва М.Темуровалар билан бирга Андижон вилояти, Бўстон туманига келиб, хонадонларга кириб тиланчилик қилиб хонадон эгаларида пул сўраб юришгани, О.Йўлдашева билан Бўстон тумани марказида жойлашган масжидни тўғрисидаги кўчага кириб, тиланчилик қилиб юрганида уни торвуз егиси келиб бозордан торвуз олиб, бир чиройли уйни олдида ўтириб торвуз еб ўтирганида, О.Йўлдашева ёнғоқ топиб олиб чақиб ёмоқчи бўлиб тош излаб шу хонадон эшиги олдида турган тошни олиб ёнғоқ чакмоқчи бўлганида тошни тагида уйнинг калити турганлигини кўриб қолгани, шунда О.Йўлдашева билан бирга уйни эшигини калити билан очиб киришгани, ётоқхонадаги диван олдида бир метр келадиган темир сейф турганлигини



кўриб, уни қимирлатиб кўришгани, сейфни ичида қимматбаҳо нарса бўлса керак оғир экан деб ўйлаб, темир сейфни олиб чиқиб кетишмоқчи бўлишгани, сейфни олиб чиқиб кетишда кўринмаслиги учун О.Йўлдашева билан иккаласи уйнинг омборхонасидан коп олиб чиқиб, темир сейфни ўша коп билан беркитиб, сейфни кўчага олиб чиқишгани, улар билан бирга келган Мухлиса ва Ситорани ёрдамга чақириб темир шит олганлигини айтишгани, сўнг Муслима билан кўча бошига чиқиб, сарик рангли “Nexia-1” русумли автомашина билан гаплашиб юклари борлиги, Андижон шаҳрига ташлаб кўйишини айтганида йўл ҳаққи 150.000 сўм бўлишини айтганида рози бўлишгани, сўнг темир сейфни ушбу автомашинанинг орқа юкхонасига юклашиб, Андижон шаҳрига йўл олишгани, келаётиб телефонидан Наманган шаҳрида яшовчи Андижондан Наманганга қатновчи танишлари Акром акага кўнғироқ қилиб, Андижон шаҳар аэропорт олдидаги кўрикдан айланиб, Чермет томон юриб бир ошхона олдида тўхтаб турганларини, уларни олиб кетишини айтганида Акром ака бироз вақт ўтиб етиб келгани, темир сейфни Бўстон туманидан олиб келгани тоғанинг машинасидан олиб Акром акани автомашинасининг орқа юк хонасига тўртталаси сейфни кўтариб жойлашгани, Акром ака ҳам улардан қопга ўралган нарса нима эканлигини сўраганида унга ҳам ушбу нарса шит эканлигини айтишиб, Наманганга яшаш манзилига йўлга чиқишгани, Наманганга яшаш маҳаллалари ёнида жойлашган “Савхоз” деган жойга тўхтаб машинадан сейфни тушириб, Акром акага йўл ҳаққини бериб жўнатиб юборишгани, темир сейфни О.Йўлдашева иккаласи далали жойга олиб бориб қулфини тош билан уриб синдириб очишгани, О.Йўлдашева ўша ерда бирортаси келиб келиб қолмаслиги учун пойлаб тургани, у эса темир сейфни ичидаги нарсаларни олиб, О.Йўлдашева билан бўлишиб олгани, кейин бузилган темир сейфни “ахлат” йиғувчи автомашинага ахлатга қўшиб юклаб юборишгани, Мухлиса билан Ситорага ушбу пуллардан ҳар бирига 200.000 сўмдан беришгани, уларга шитни қораметалга сотиб фойдасидан беришга келишганлигини, О.Йўлдашева билан темир сейфни ичидан чиққан уй ҳужжатлари ва паспорт ҳамда метиркаларни далали жойга олиб бориб, тупроқ остига кўмиб яшириб қўйишгани, Ситора ва Мухлисаларни улар томонидан содир этилган ўғирликда хабарлари бўлмагани, улар бошқа кўчада тиланчилик қилиб юрган вақтларида О.Йўлдашева билан бирга кириб сейфни олиб чиққанлари, Ситора ва Мухлисалар келганида ушбу сейф копга солинган ўралган ҳолатда бўлгани, сейфни ичида пул бор деб ўйлаб олиб чиқишгани, сейфда ҳужжатлар бўлганини билишмагани, қилган хатосини тушуниб етгани, бошқа ўғирлик қилмаслигини билдириб, суддан ўзига енгиллик берилишини сўради.

Жабрланувчи З.Маматова судда, Бўстон тумани, Пиллакор МФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган хонадонида оила аъзолари билан бирга истиқомат қилиб келиши, 2024 йил 8 сентябрь куни соат 13:00 ларда ўз ишлари билан Шаҳрихон туманига кетганида, хонадонида ҳеч ким қолмагани сабабли, дарвоза қулфлаб калитини уйнинг ташқарисидаги ариқчанинг ичидаги тошнинг остига қўйиб кетгани, соат 17:00 ларда Шаҳрихон



туманидан қайтиб келгани, калитни қўйиб кетилган тошнинг остидан олиб, дарвозани калит билан очгани, кейин ўзининг хонасига кирганида, хонадаги темир сейф йўқлигини кўргани, хонадонида бир дона темир сейф бўлиб, сейфнинг ичида 1900 АҚШ доллари, 2.800.000 сўм нақд пуллар, 5 дона жами нархи 10.000.000 сўм бўлган тилла узук, 1 дона нархи 3.000.000 сўмлик тилла сепочка, 2 дона жами нархи 6.000.000 сўмлик браслет, 1 дона нархи 2.000.000 сўмлик тилла сирға, 2 дона жами нархи 500.000 сўмлик кумуш узуклар, кадастр хужжатлари, уй хужжатлари, шахсий хужжатлар, фотоалбомлар ва бошқа хужжатлар бўлгани, кейин ўғирлик содир этилганлигини билиб, Бўстон туман ИИБга ариза билан мурожаат қилгани, Бўстон туман ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган суриштирув тадбирлари давомида яшаш хонадонидаги пулларини ва ашёларини лўли миллатига мансуб аёллар ўғирлаб кетганлиги аниқланиб, унга I-AN № 0387904 серия рақамли никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, №230484 серия рақамли Маматов Нодирбой Абдурахимовичга тегишли “Диплом”, Турсунова Зайнабга тегишли II-УЗ №181185 рақамли туғилганлигик тўғрисида гувоҳнома, Абдурахимов Шукурулло Нодирбой ўғлига тегишли I-AN № 0059753 серия рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, Улмасбеков Мухаммад Улмасовичга тегишли I-AN № 0301605 серия рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, Маматов Нодирбойга тегишли III-ЧС 499532 серия рақамли “СВИДЕТЕЛЬСТВО О РОЖДЕНИИ”, Маматова Зулфияга тегишли III-ЧС 477711 серия рақамли “СВИДЕТЕЛЬСТВО О РОЖДЕНИИ”, Маматов Нодирга тегишли № 230484 рақамли дипломнинг ВЫПИСКАСИ, Маматов Нодирга тегишли Б № 957710 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома, Маматов Нодирбек Абдурахимовичга тегишли бўлган ТН №0941599 серия рақамли ВАЕННЫЙ БИЛЕТ, Нуритдинова Назимага тегишли бўлган II-ЧС 485464 серия рақамли “СВИДЕТЕЛЬСТВО О РОЖДЕНИИ”, Маматов Нодирбека тегишли бўлган АН 156999 рақамли Меҳнат дафтарчаси, Абдурахимов Шукурулло Нодирбек ўғлига тегишли бўлган BS-370 рақамли “Чақирув участкасида қайд этиш гувоҳномаси”, Абдурахимова Гулсанамхон Нодирбой кизига тегишли UM № 0024299 рақамли “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестатга ИЛОВА”, Маматова Зайнахонга тегишли “Уй дафтари”, Маматов Нодирбеека тегишли 17 АА 0251267 рақамли “Имтихон гувоҳномаси”, ёзилмаган “Уй дафтари”, Маматов Нодирбека тегишли туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси, Маматова Назимага тегишли АА6182620 серия рақамли паспортнинг нусхаси, Абдурахимов Шукурулло Нодирбой ўғлига тегишли “фамилия, исм, ота, исмини ўзгартириш ҳақида АРИЗА”, Абдурахимов Шукурулло Нодирвой ўғлига тегишли АД 0332187 серия рақамли паспорт нусхаси, Маматов Нодир Абдурахимовичга тегишли АА 7914962 серия рақамли паспорт нусхаси, Абдурахимов Шукуруллога тегишли 4 дона 3x4 расм, Маматова Зайнабхонга тегишли бўлган № 1705010413 рақамли “Кўчмас мулк кадастор хужжатлари”, уйнинг чизмалари, 5 дона тўлов паттаси, 1 дона қизил рангли ва 1 дона яшил рангли тилла буюмлар соладиган тўрлик пакет, 1 дона “Асал ва Сут” номли китобча, 1 дона “Эсдалик учун 2008” номли фотоалбом,



1 дона устки қисмига КАЗАКСТАН деб ёзилган коча ғилов ичида бўлган сув идиш, 1 дона устига “Нодир Боз” деб ёзилган қора рангли кассета, 1 дона каробкасини устида “VIDEO collection” ёзуви бўлган қора рангли кассета, 1 дона Абдурахимова Райхонага тегишли дафтарлар ҳамда бир дона селлофон пакетлар қайтариб берилгани, бироқ сейфдаги пуллари шу кунга қадарли ҳам қайтарилмагани, шу сабабли судланувчилардан унга етказилган зарарларни ундириб, қонуний чора кўрилишини билдириб, кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, жабрланувчи З.Маматова, судланувчи М.Қорабоевнинг кўрсатувларини, ҳимоячи Д.Махкамовнинг фикрини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, М.Қорабоевнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг ўзини айбига иқроор бўлиб берган кўрсатуви, жабрланувчининг кўрсатувлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фотожадвал, ариза, тақдим қилинган нарсани олиш ҳақида баённома, ашёвий далил деб эътироф этиш ҳамда жиноят иш ҳужжатларига кўшиб кўйиш тўғрисида қарори, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда ишдаги бошқа ҳужжатлар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд, мазкур жиноят иши бўйича судланувчи М.Қорабоевани шахси ўрганилганида, у Дўстматова Маржона Дилшоджон кизи фамилия, исми ва шарифи бўйича жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2024 йил 18 ноябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 2 йил 11 ой 3 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган, суд тергови жараёнида уни, М.Дўстматова фамилияси, исми ва шарифи онасини номи билан расмийлаштирилган, ҳамда унга тегишли ҳужжатлар жиноят ишида мавжуд бўлмасдан, МФЙ томонидан берилган маълумотномага асосан шахси ёзилганлиги учун, мазкур жиноят иши бўйича шахсига оид ҳужжат бўйича Қорабоева Муслима Дилшодбек кизи эканлиги ва 2005 йил 21 январь куни Андижон туманида тугилганлиги маълум бўлди. Шунга кўра, М.Қорабоевани М.Дўстматова фамилия исм ва шарифда жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2024 йил 18 ноябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 2 йил 11 ой 3 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланганлигини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан М.Қорабоевнинг бир гуруҳга бирлашиб, ўзганинг анча миқдордаги мол-мулкни уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, яширин равишда талон-торож қилганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Қорабоевнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Иш ҳужжатларига ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи М.Қорабоева ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, О.Йўлдашева (жиноят ишлари бўйича Бўстон туман судининг 2024 йил 7 ноябрь кунги ҳукми билан судланган) билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, 2024 йил 8 сентябрь куни соат 15:00 ларда Бўстон тумани, Пиллакор МФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган фуқаро З.Маматованинг яшаш хонадонидонида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, хонадонга калит танлаш йўли билан ғайриқонуний равишда киришиб, хонадон ётоқхонасидаги нархи 1.000.000 сўмлик темир сейфнинг ичида бўлган 24.145.105 сўмга тенг бўлган 1.900 АҚШ доллари ва 3.800.000 сўм миқдоридаги нақд пуллар, 5 дона жами нархи 10.000.000 сўм бўлган тилла узук, 1 дона нархи 3.000.000 сўмлик тилла сепочка, 2 дона жами нархи 6.000.000 сўмлик браслет, 1 жуфт нархи 2.000.000 сўмлик тилла сирға, 2 дона жами нархи 500.000 сўмлик кумуш узукларни, жами бўлиб анча миқдордаги 50.445.105 сўмга тенг бўлган мол-мулкни ҳамда I-АН №0387904 серия рақамли никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, №230484 серия рақамли Маматов Нодирбой Абдурахимовичга тегишли диплом, Турсунова Зайнабга тегишли II-УЗ№181185 рақамли туғилганлигик тўғрисида гувоҳнома, Абдурахимов Шукурулло Нодирбой ўғлига тегишли I-АН №0059753 серия рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, Улмасбеков Мухаммад Улмасовичга тегишли I-АН № 0301605 серия рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, Маматов Нодирбойга тегишли III-ЧС 499532 серия рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, Маматова Зулфияга тегишли III-ЧС477711 серия рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, Маматов Нодирга тегишли № 230484 рақамли дипломнинг кўчирмаси, Маматов Нодирга тегишли Б №957710 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома, Маматов Нодирбек Абдурахимовичга тегишли бўлган ТН №0941599 серия рақамли ҳарбий билет, Нуритдинова Назимага тегишли бўлган II-ЧС485464 серия рақамли туғилганлик ҳақида гувоҳнома, Маматов Нодирбекка тегишли бўлган АН-156999 рақамли меҳнат дафтарчаси, Абдурахимов Шукурулло Нодирбек ўғлига тегишли бўлган BS-370 рақамли чақирув участкасида қайд этиш гувоҳномаси, Абдурахимова Гулсанамхон Нодирбой қизига тегишли УМ №0024299 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестатга илова, Маматова Зайнахонга тегишли уй дафтари, Маматов Нодирбекка тегишли 17АА-0251267 рақамли имтихон гувоҳномаси, Маматова Зайнабхонга тегишли бўлган №1705010413 рақамли кўчмас мулк кадастр ҳужжатлари, уйнинг чизмаларининг асл нусхалари ва бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини яширин равишда талон-торож қилишиб, ҳодиса жойидан қочиб яширинишган.

- судланувчи М.Қорабоева суд мажлисида, О.Йўлдошева билан темир сейфни ичидан чиққан уй ҳужжатлари ва паспорт ҳамда метиркаларни далали жойга олиб бориб, тупроқ остига кўмиб яшириб қўйишгани, Ситора ва Мухлисаларни улар томонидан содир этилган ўғирликда ҳабарлари бўлмагани, улар бошқа кўчада тиланчилик қилиб юрган вақтларида О.Йўлдошева билан бирга кириб сейфни олиб чиққанлари, Ситора ва



Мухлисалар келганида ушбу сейф копча солинган ўралган ҳолатда бўлгани, сейфни ичида пул бор деб ўйлаб олиб чиқишгани, сейфда ҳужжатлар бўлгани ҳақида кўрсатув берди.

Юқоридагилардан кўринадикки, судланувчи М.Қорабоевнинг қасди бир гуруҳга бирлашиб, ўзганинг мол-мулкини уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, уй ичидаги темир сейфи яширин равишда талон-торож қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида “айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак” деб кўрсатилган.

Юқоридаги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда суд, судланувчи М.Қорабоевнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖК 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан қўйилган айблов суд тергови ва дастлабки тергов даврида ўз тасдиғини топмади деб ҳисоблаб, жиноятга даҳли йўқлиги сабабли, мазкур модда билан оқлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари даҳлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак. Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади. 30-моддасида “Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким айти бир жиноят учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмас.” 137-моддасида “Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпик мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиши учун зарур ҳамда етарли жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши, 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг



ва шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 42-моддасида жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланиши, 54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига катъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши, 5-бандида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, юқоридаги қонун ва Олий суди Пленумининг қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда судланувчи М.Қорабоевага нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади:

уни айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унинг оилавий шароити оғирлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни ғараз ва бошқа паст ниятларда содир этганлиги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиш билан бирга, уни айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган жиноятини унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кришини, етказилган зарарни қопланмаганлигини, жабрланувчини зарарларни ундириб, судланувчига қонуний чора кўришни сўраганини, уни шахсини ва хулқини, аёллигини, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлини эътиборга олиб, у айбли деб топилаётган модданинг санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг саккизинчи қисми тартибида ҳозирги ҳукм билан тайинланаётган жазога жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2024 йил 18 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган озодликни чеклаш жазосини қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни олишни ҳамда жазодан



бўйин товланишини ва бошқа жиноятлар содир этишини олдини олиш мақсадида жазони ўташ муддати давомида маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Наманган вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча таъқиқлар белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарорининг 10-банди 2-қисмида жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозимлиги ҳақида тушунтириш талабидан келиб чиқиб, судланувчилар томонидан етказилган зарарни қопланмаганини, 2024 йил 7 ноябрь куни ҳолатига Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки” сайтида 1 АҚШ долларининг курс бўйича нарҳи 12.786 сўм 98 тийин эканини инобатга олиб, қопланмаган зарар миқдорини ушбу нарҳдан ҳисоблашни лозим бўлади.

Шундан келиб чиқиб, жабрланувчи З.Маматовага етказилган зарар жами 50.445.105 сўм моддий зарар судланувчилар М.Қорабоева ва О.Йўлдошевлардан солидар тартибда ундириш белгилашни лозим топади.

Шунингдек, жабрланувчи З.Маматовага етказилган бошқа зарарлар юзасидан тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда, келгусида фуқаролик тартибда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд,-

### **Ҳ У К М      Қ И Л Д И:**

Судланувчи Қорабоева Муслима Дилшодбек қизи (Qoraboyeva Muslima Dilshodbek qizi) Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Қорабоева Муслима Дилшодбек қизи (Qoraboyeva Muslima Dilshodbek qizi)га Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойи ҳисобланган Наманган вилоят, Наманган шаҳар, 2-Гулистон МФЙ, 2-тор кўча 26-уйдан чиқишни чеклашдан иборат 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи М.Қорабоевага илгари жиноят ишлари бўйича Асака туман суднинг 2024 йил 18 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ЖК 59-моддасининг саккизинчи қисми тартибида, ҳозирги ҳукм билан тайинланаётган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



Озодликни чеклаш жазоси Наманган вилоят, Наманган шаҳар, 2-Гулистон МФЙ, 2-тор кўча 26-уйда жойлашган яшаш уйида ўташ белгилансин.

Судланувчи Қорабоева Муслима Дилшодбек қизи (Qoraboyeva Muslima Dilshodbek qizi)га Наманган шаҳар ИИБнинг рухсатсиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Наманган вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқ (чеклов)лар, шунингдек даволаниш ёки бошқа зарурият туфайли яшаш ёки иш жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақида Наманган шаҳар ИИБга дарҳол маълум қилишлик мажбурияти юклансин.

Судланувчи Қорабоева Муслима Дилшодбек қизи (Qoraboyeva Muslima Dilshodbek qizi)га жазони ўташдан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликдан чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ижро этиш Наманган шаҳар ИИБ пробация бўлими зиммасига юклатилсин, жазо ўташ муддати ҳукм белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

М.Қорабоевага нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи З.Маматовага етказилган зарар жами 50.445.105 сўм моддий зарар судланувчилар М.Қорабоева ва О.Йўлдошевадан солидар тартибда ундирилсин.

Жабрланувчи З.Маматовага етказилган бошқа зарарлар юзасидан тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда, келгусида фуқаролик тартибда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушинтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида ва ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи**

*(имзо)*

**К.Шахобутдинов**

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри,**

**Жиноят ишлари бўйича  
Бўстон туман судининг  
раиси**

**К.Шахобутдинов**



**Маъсул судья: Шахобутдинов Камолдин Садирдинович**



Хужжат имзоланган: Шахобутдинов Камолдин Садирдинович, 26.12.2024

